

## ФИРИБАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Юсуфов Оғабек Ойбек ўғли  
ИИВ Академияси 311-гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада фирибарликнинг тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятлари шунингдек профилактикасини ташкил этишга оид чоратадбирлари, фирибарлик жиноятининг бугунги холати хақида баён этилган.

**Калит сўзлар:** Фирибарлик, профилактика, хуқуқбузарлик, маҳсус тадбирлар, қонун, нормалар.

Мамлакатимизда сўнги йилларда ўзгаларнинг мол мулкини қинғир йўллар билан ўзлаштириш, хусусан фирибарлик жинояти тез-тез юз бермоқда. Аждодлари дину диёнат, ахлоқу одоб, ҳалолу покликка одатланган ўзбек миллатининг кейинги авлодларидан мазкур жиноятга қўл ураётганларнинг учраши афсуски таажубга солмоқда. Ҳолбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибарлик, йўли билан ўзлаштиришдан қаттиқ қайтарилган.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра, ўзгани алдаш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда унинг мулкини ёки мулкига бўлган хуқуқини қўлга киритиш фирибарлик ҳисобланади. Фирибарлик бошқа мулкий жиноятлардан фарқи – фирибарликда жабрланганлар фирибарга мол-мулкини, мол-мулкка бўлган хуқуқини ўз хоҳиши билан топширади.

Фуқаролар маблағларини ўзлари олиб келиб берган бўлса-да, фирибарга жазо тайинланади.

Фуқаролар пулларини ўз қўллари билан олиб келиб беради. Улар енгил бойиб кетиш, мулкка эгалик қилиш мақсадида шундай ҳаракатларни содир этишади. Фирибарлар маълум бир соҳани эгаллаб, билимга эга бўлишади. Шунингдек, уларда актёрлик қобилияти ҳам бўлади. Шу сабабли фирибарлик ақлли жиноятлар турига кириб, уни ақл-заковатли инсонлар содир этади.

Фирибарлик жинояти таркибини оладиган бўлсак, объектив ва субъектив томони бўлади. У бошқа фуқаролик муносабатларидан фарқли ўлароқ, фуқаро жабрланувчининг мулкига эгалик қилишни олдиндан қасд қилиши керак. Фирибарлар тергов қилинганда жуда камдан-кам ҳолатда фирибарлик қилиш нияти бўлганини тан олади. Жиноят иши қўзғатилгандан кейин сўроқ жараёнида ҳужжатлар тақдим қилинади, ҳужжатларнинг қаерида камчилиги борлиги текширилади. Гумонланувчи шахс жабрланганлар билан юзлаштирилганда «Пул эхромлари» каби режа асосида ишлашаётган бўлиб чиқишади.

Ҳозирда кўп учрайдиган фирибгарлик турларидан бири – чет элга ишга жўнатиш, чет элдаги 3-шахслардан сизнинг маълум миқдордаги пул мукофотини ютиб олганингиз ҳақидаги келадиган хатлар ҳисобланади. Шунингдек, хайрия маблағлари учун ташкил қилинган пластик карталардан пул ечиб олиш ҳолатлари ҳам бўляпти.

Ер, уй олди-сотдиси бўйича фирибгарликлар ҳам кўп учраб туради. Фирибгарлар ҳокимиятда таниши борлигини айтиб, уй олиб беришга ишонтириб, одамларнинг пулларини олиб қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунингдек, ўқишига ёки ишга киритиш мақсадида ота-оналарни ишонтириб, пул олиш ҳолатлари ҳам охирги вақтда кўп учраб турибди.

Мамлакатимизда сўнги йилларда жиноятчиликнинг кесин камайишига эришилаётган бўлсада, фирибгарлик жиноятининг салмоғи ханузгача юкорилигича колмокда. Шу боис барча давлат органлари ва жамоатчилик ташакилотларининг асосий вазифалари каторида жиноятчилик, хусусан, фирибгарлик жиноятларининг содир этилиш сабаблари хамда уларга имкон берган шарт-шароитларни аниклаган холда уларни барвакт олдини олиш борасида хамкорликдаги ишларни амалга оширишни янги боёкичга кўтариш зарурлигини таказо этмоқда .

Аксарият хукуқшунос олимлар хукуқбузарликни касалликка, хукуқбузар шахсни беморга қиёслашади ва мазмунан уларни бир-бирига яқин тушунчалар деб билишади. Дарҳақиқат, пенитенциар тизимда жазо хукуқбузар шахсни жазолашга эмас, балки ахлоқан тузатишга хизмат қилиши лозим деган қараш мавжуд. Тиббиёт соҳасида эса беморни ҳам жисман, ҳам руҳан соғломлаштиришга эътибор қаратилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, хукуқбузарликларнинг барча сабаб ва шароитлари кишилар психологияси ва онгига таъсир кўрсатиб, уларда ғайриижтимоий қарашларни, хулқ-атворни шакллантиради ёки уларни озиқлантиради, кучайтиради. Шунинг учун ҳам хукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамма вақт ижтимоий психологик хусусиятга эга. Ижтимоий-психологик сабаб ва шароитлар ижтимоий шароитлардан келиб чиққан бўлиб, маълум даражада мустақилдир.

Албатта, ҳар бир жиноят содир этилишида унинг мотиви, сабаби бўлади. Жиноятчи ҳам ўз-ўзидан жиноятчи бўлиб қолмайди ёки онадан жиноятчи бўлиб дунёга келмайди.

Жамият индивидуалликдан шаклланган. Яъни битта хусусийлик вужудга келиб умумийликка айланган. Шу хусусийликнинг ичida товламачилик, фирибгарлик, бирорнинг ҳақидан кўрқмаслик уруғланса, бу юқумли бўлади, бу оломон психологияси дейилади.

Қачонки, жамиятнинг ичида фильтр, яъни ўз хавфсизлигини таъминлаш, қонун устуворлигига шахсан ҳар бир инсон ўзи жавобгар эканлиги тан олинмаган тақдирда оломон психологияси ишлаб кетади.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Абдукодиров Ш.Ё. Айбнинг зҳтиётсизлик шақли ва унинг белгилари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 91 б.
2. Абдурасурова К.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. - Тошкент: ТДЮИ, 2005.- 156 б.
3. Алимов X.P.. Маҳмудов А.А., И smoилов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати: Чизмалар албоми. - Тошкент:
4. Аллабергенов А.П. Фирибагарлик жинояти учун жавобгарлик- Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 39.